Assalomu alaykum, umri aziz mushtariy!

Chortoq haqiqati

Chortoq tumani hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Gazeta 1982-yil, 1-fevraldan chiqa boshlagan

@chortoqhaqiqati@umail.uz www.chortoqhaqiqati.uz 16 (32786)-son 2026-yil 15-oktabr, payshanba

2026–yil – «Mahallani rivojlantirish va jamiyatni yuksaltirish yili»

БАЛИҚКЎЛ МАҲАЛЛАСИГА «ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ» МАҚОМИ БЕРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси томонидан Чортоқ туманидаги Баликкўл маҳалласига «Туризм маҳалласи» мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Наманган вилоятига ташрифи давомида Султон Увайс Қароний зиёратгоҳида бўлиб, ушбу табаррук масканни асраб-авайлаш, қадимий меъморий қиёфасини сақлаган ҳолда обод ва замонавий зиёратгоҳга айлантириш юзасидан берган топшириқлари бугун ҳаётда ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ташаббуслари натижасида зиёратгоҳ ҳудудида замонавий масжид, ўқув ва конференция заллари, кутубхона, меҳмонхоналар ҳамда зиёратчилар учун зарур қулайликлар яратилди. Бугун Султон Увайс Қароний зиёратгоҳи юртимизнинг турли ҳудудларидан ва хорижий давлатлардан келаётган зиёратчиларни ўзига жалб этувчи муҳим маънавият масканига айланган. Биби Наима она зиёратгоҳи ҳам ҳудуднинг маънавий меросини бойитиб, зиёрат туризмининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Чортоқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан

15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Чортоқ туманидаги “Чортоқ Фарғона миришкори” фермер хўжалигида байрам тадбири ўтказилди. Унда туман ҳокими Илҳомжон Саттаров иштирок этиб, қишлоқ ҳудудларида меҳнат қилаётган, оила ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган аёлларни байрам билан табриклади. Ҳоким ўз чиқишида қишлоқ аёлларининг нафақат меҳнат соҳасида, балки тарбия, маънавият, оила мустаҳкамлигида тутган ўрнини алоҳида эътироф этди.

Аёлларимиз – жамиятнинг таянчи, хонадоннинг нуридир. Улар фидойилиги, меҳрибонлиги ва масъулияти билан ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз ўрнини топган. Бу кун нафақат уларнинг меҳнатини, балки жамиятда тутган юксак мақомини эътироф этиш байрамидир, - деди туман ҳокими. Тадбир давомида фаол бўлган бир қатор аёлларга эсдалик совғалари топширилди. Байрамона муҳитда ўтган учрашувда хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва эътибор яна бир бор намоён этилди.

Наргиза РЕЖАББОЕВА.





КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА НАТИЖАДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ МУҲИМ

Аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бугунги кунда маҳаллаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳар бир маҳаллада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Чортоқ тумани ҳокими Илҳомжон Саттаров иштирокида мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, белгиланган вазифалар ижроси ва эришилаётган натижалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда тумандаги иқтисодий соҳа ташкилотлари раҳбарлари ҳамда маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

Йиғилишда жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, хонадонларнинг даромад манбаларини кўпайтириш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, белгиланган режаларнинг бажарилиши, ҳар бир маҳалладаги мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ҳамда амалий натижаларга эътибор қаратилди.

Муҳокамалар давомида ишларни фақат режа ва ҳисоботлар билан чеклаб қўймасдан, ҳар бир оиланинг реал даромад манбаини шакллантириш, ишсиз аҳолини доимий бандликка жалб этиш ва камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ натижаларга эришиш зарурлиги таъкидланди.

Масъулларга белгиланган вазифалар ижросини кучайтириш, маҳаллалар кесимида ишларни манзилли ташкил этиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўриш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

С. МУРОДИЛЛАЕВ,
туман ёшлар ишлари бўлими бошлиғи

@chortoqhaqiqati@umail.uz www.chortoqhaqiqati.uz
Chortoq haqiqati
16 (32786)-son 2026-yil 15-oktabr, payshanba

ҲАМКОРЛИК МУҲИМ



Гиёҳвандлик — инсон саломатлиги, оила фаровонлиги ва жамият келажагига жиддий таҳдид солувчи иллат. Айниқса, ёшларнинг ушбу хавфли йўлга кириб қолиши уларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиб, муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу боис гиёҳвандликнинг олдини олиш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда бу борада профилактик ишларни изчил олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Чортоқ туманида гиёҳвандликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими Илҳомжон Саттаров, туман ИИБ раҳбари Музаффар Нуъманов, тегишли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Йиғилишда гиёҳвандликка қарши курашишда давлат ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Айниқса, маҳаллаларда ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, оилалар, таълим муассасалари ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшлар орасида хавфли ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ҳамда профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида гиёҳвандликнинг инсон ҳаёти ва жамият учун салбий оқибатларини акс эттирувчи видеоролик намойиш этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан масъулларга тегишли вазифалар белгилаб берилиб, уларнинг ижросини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Б. ОБИДОВ.



Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштириш, аввало, мавсумни ўз вақтида бошлаш ва агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширишдан бошланади.

Далаларда кузги галла экиш ишлари қизғин паллада

Айниқса, кузги ғалла экинида ҳар бир куннинг ўз ўрни бор. Экиш ишларини мақбул муддатларда ташкил этиш доннинг қишгача яхши илдиз отиши ва келгуси йилда ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Туманда ҳам 2027 йил ҳосили учун бошоқли дон экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Жорий мавсумда туман бўйича жами 1 832 гектар майдонга ғалла экиш режалаштирилган. Шундан 1 066 гектари очиқ майдонлар, 766 гектари эса ғўза қатор ораларига тўғри келади.

Эрта ва ўз вақтида экишнинг аҳамиятини яхши англаган фермерлар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ерга уруғ қадашмоқда. Айни пайтда очиқ майдонларда ерни экишга тайёрлаш, тайёр майдонларда эса ғалла экиш жараёнлари жадал давом этмоқда.

Абдулҳамид ҲАЙДАРОВ.

Биз гиёҳвандликка



ҚАРШИМИЗ

Чортоқ туманидаги Спорт мактаби ўйингоҳида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида ёшлар иштирокида кенг қамровли байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир давомида турли спорт мусобақалари, кўнгилочар дастурлар, ҳарбий қурол-аслаҳалар кўргазмаси ҳамда концерт дастури намойиш этилди.


Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов тадбирда иштирок этиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спортга кенг жалб этишга хизмат қилаётган тўгараклар фаолияти билан танишди. Байрам дастурида таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида «Бир ой — тўрт маҳалла» дастури бўйича вилоят миқёсида энг фаол маҳаллалар ёшлар етакчилари ташаккурнома ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, Чортоқ туманининг Балиққўл маҳалласига «Туризм маҳалласи» мақомини берувчи гувоҳнома тантанали равишда топширилди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ва уларни зарарли иллатлардан асрашга қаратилган тадбир байрамона кайфият ва кўтаринки руҳда ўтди.

А. ШАРАФИДДИНОВ,
туман ҳокимининг ўринбосари.

Istirohat bog‘i yangi qiyofa kasb etmoqda



Chortoq tumanidagi Furqat nomli madaniyat va istirohat bog‘i Jahon banki bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan «O‘rta shaharlarni rivojlantirish» loyihasi doirasida tubdan qayta qurilmoqda. Loyihadan ko‘zlangan asosiy maqsad — aholi uchun zamonaviy, qulay va mazmunli hordiq chiqarish maskanini yaratish bilan birga, tumanning sayyohlik salohiyatini yanada oshirishdan iborat.

Umumiy qiymati 34 milliard 854 million so‘m bo‘lgan loyiha asosida bog‘ hududi kengaytirilib, zamonaviy landshaft yechimlari, zamonaviy yoritish tizimi, attraksionlar hamda dam olish maydonlari barpo etilmoqda. Qurilish ishlari «Qurilish Ziyo Building» MCHJ tomonidan olib borilmoqda.

Namangan viloyati hokimi Shavkatjon Abdurazzoqov mazkur obyektda bo‘lib, amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli qurilish va bunyodkorlik ishlari bilan tanishdi. Viloyat hokimi obyektdagi ishlar jarayonini ko‘zdan kechirib, qurilish sifatini ta’minlash, ishlarni jadallashtirish, loyihada belgilangan vazifalarni o‘z vaqtida va to‘liq bajarish bo‘yicha mas’ullarga tegishli topshiriqlar berdi. Yangilangan bog‘ nafaqat aholining bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazishi uchun zamonaviy maskan, balki tumanning sayyohlik va xizmat ko‘rsatish imkoniyatlarini kengaytiruvchi muhim obyektga aylanadi.

Bahodir TILLAYEV.

Меҳнат дафтарчасини рақамлаштириш нима?



Бу - қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасидаги меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни электрон шаклга ўтказиш жараёни.

Меҳнат дафтарчасининг рақамлаштиришни нима афзалликлари бор?

1. Иш фаолиятингизни рақамли тизимда юритиш ва маълумотларингизни хавфсиз сақлаш имконини беради (қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари йўқолиши ёки яроқсиз ҳолатга келиши мумкин).

2. Пенсия тайинлашда меҳнат стажи автоматик аниқланади ва фуқароларнинг ортиқча вақт сарфи тежалади.

3. Давлат хизматларидан тез ва осон фойдаланиш имконини беради.

У. ХУСАИНОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чортоқ туман бўлими бош мутахассиси.



Бугунги кунда ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва хавфларни олдиндан кўра билиш, вазиятни реал вақт режимида таҳлил қилиш ва зарур чораларни кечиктирмасдан кўриш самарали бошқарувнинг муҳим шартларидан биридир.

ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Айниқса, аҳоли хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва коммунал инфратузилма билан боғлиқ масалаларда тезкор ахборот ва аниқ таҳлил асосида ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Чортоқ туманида айни шу жараёнларни мувофиқлаштирувчи — «Вазиятларни бошқариш маркази» ташкил этилди.

Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов бошчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари мазкур марказ фаолияти билан танишдилар. Вилоят раҳбарига марказнинг ишлаш тартиби, мавжуд техник имкониятлари, ҳудудлардаги жараёнларни онлайн кузатиш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, аниқланган муаммолар бўйича масъул ташкилотларни тезкор жалб этиш механизмлари тақдимот қилинди.

Марказ замонавий электрон жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган бўлиб, фаолияти давомида сунъий интеллект ёрдамида аҳоли мурожаатлари, жойлардаги муаммолар, ижтимоий-сиёсий вазият, жамоат хавфсизлиги, коммунал ва инфратузилма тизимларидаги ҳолат доимий мониторинг қилиб борилади. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар ва бошқа эҳтимолий хавфларни барвақт аниқлаш, коммунал хизматлардаги узилишларга тезкор муносабат билдириш ҳамда масъул ташкилотлар ҳаракатини мувофиқлаштириш марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Вилоят ҳокими марказнинг замонавий имкониятларидан самарали фойдаланиб, таҳлилий салоҳиятини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

Достонбек АБДУЛЛАЕВ,
туман ҳокимининг сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиси

Қабристон — биздан аввал ўтган аждодларимиз, ота-боболаримиз ва яқинларимиз хоки пойи қўним топган муқаддас маскан.
Уларни обод сақлаш, покиза тутиш, зиёратгоҳларни эъзозлаш — миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз ва инсонийлик фазилатларимизнинг ёрқин ифодасидир.

ҚАБРИСТОНЛАР ОБОДЛИГИ — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Қабристонларни ободонлаштириш, атрофини тозалаш, дарахт ва кўчатларни парваришлаш, зиёратгоҳларни тартибга келтириш нафақат савобли иш, балки ёш авлодни аждодлар хотирасига ҳурмат, эл-юртга садоқат ва эзгулик руҳида тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Бу хайрли ва савобли ишларда маҳалла фаоллари, нуронийлар, имом-хатиблар, маънавият тарғиботчилари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали нафақат қабристонлар ободлигига, балки маҳаллаларимизда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга эришамиз.

Аждодлар хотирасини эъзозлаш, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш ва уларни келгуси авлодларга обод ҳолда етказиш — барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир! Обод қабристон — аждодлар хотирасига эҳтиром, миллий қадриятларимизга садоқат тимсолидир!

Расулбек УММАТОВ.



Chortoq tumanidagi 35-sonli umumiy o‘rta ta’lim maktabida yong‘in xavfsizligi va favqulodda vaziyatlarning oldini olishga bag‘ishlangan o‘quv seminari hamda Chortoq tumani Favqulodda vaziyatlar bo‘limi boshlig‘i, podpolkovnik A. Ahmadjonovning yoshlar bilan uchrashuvi bo‘lib o‘tdi.

Xavfsizlik qoidalari – hayotiy zarurat

Tadbir davomida Favqulodda vaziyatlar vazirligi mas’ul xodimlari o‘quvchilarga yong‘in xavfsizligi qoidalari, tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarda to‘g‘ri harakatlanish, xavfning oldini olish va zarur hollarda xavfsiz hududga chiqish tartiblari haqida batafsil ma’lumot berdilar. Seminarning amaliy qismida birlamchi yong‘in o‘chirish vositalaridan to‘g‘ri foydalanish tartibi namoyish etildi. O‘quvchilar mutaxassislar tavsiyalari bilan tanishib, o‘zlarini qiziqtirgan savollarga javob oldilar.

Shundan so‘ng podpolkovnik A. Ahmadjonov va yoshlar o‘rtasida ochiq muloqot tashkil etildi. Unda Vatanga sadoqat, fuqarolik mas’uliyati, yoshlarning jamiyat hayotidagi o‘rni hamda qutqaruvchilik kasbining mas’uliyati va sharafi haqida so‘z yuritildi. Uchrashuv davomida o‘quvchilarning kelajakdagi maqsad va rejalari, taklif hamda tashabbuslari tinglanib, ularga tegishli tavsiyalar berildi.

Ma’mura UMURZAQOVA.

ТАЙЁРГАРЛИКЧИ?

ҚИШ МАВСУМИ ЯҚИН

Чортоқ туманида куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолига қулай шароит яратиш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

Айни кунларда тумандаги таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига кўмир етказиб бериш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мавсум давомида муассасаларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш, таъминотда узилишларга йўл қўймаслик ҳамда қишнинг совуқ кунларида барқарор фаолиятни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги ижтимоий соҳа объектлари учун жами 6 708 тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар шундан 4 680 тоннаси олиб келиниб, тегишли муассасаларга етказиб берилди. Қолган ҳажмдаги кўмирни ҳам белгиланган муддатларда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Таъминот жараёнининг узлуксизлиги ва ўз вақтида ташкил этилиши куз-қиш мавсумини барқарор ўтказишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътибор марказида бўлмоқда.

Анваржон АБДУЛЛАМУТОВ.

Ona tili — millatning ruhi, or-nomusidir

Til — millatning borligini, uning tarixi, ma’naviyati va o‘zligini namoyon etadigan beqiyos ma’naviy boylikdir. Inson dunyoni avvalo ona tili orqali anglaydi, qalbidagi eng ezgu tuyg‘ularini shu tilda ifoda etadi. Shu ma’noda ona tili har bir xalq uchun milliy g‘urur va bebaho qadriyatdir.

21-oktabr yurtimiz hayotida alohida ahamiyatga ega sana. Aynan shu kuni, 1989-yilda o‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan. Bu tarixiy voqea xalqimizning milliy o‘zligini anglash, ona tilimizning jamiyatdagi nufuzi va mavqeini yanada yuksaltirish yo‘lidagi muhim qadam bo‘lgan. Bugun o‘zbek tili davlat boshqaruvi, ta’lim, ilm-fan, madaniyat, ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida keng qo‘llanmoqda. Davlat tilida ish yuritishning takomillashuvi, hujjatlarning adabiy til me’yorlariga muvofiq yuritilishi, aholiga ko‘rsatilayotgan xizmatlarda davlat tilidan to‘g‘ri va samarali foydalanish — tilimizga bo‘lgan hurmatning amaliy ifodasidir. Ayniqsa, bugungi globallashuv davrida ona tilimizning sofligini asrash, uning boy lug‘at xazinasidan o‘rinli foydalanish har birimizdan mas’uliyat talab etadi. Ko‘cha va jamoat joylaridagi yozuvlar, peshlavhalar, reklama va e’lonlarning savodli, adabiy til me’yorlariga mos bo‘lishi ham davlat tiliga bo‘lgan hurmatning muhim ko‘rinishidir.

Chortoq tumanida ham davlat tilining nufuzini oshirish, davlat tilida ish yuritish madaniyatini yuksaltirish, tashkilot va muassasalarda hujjatlarning davlat tilida to‘g‘ri rasmiylashtirilishini ta’minlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Bu boradagi sa’y-harakatlarning asosiy maqsadi — ona tilimizni nafaqat bayramlarda, balki kundalik hayotimizda ham e’zozlash va uning imkoniyatlaridan samarali foydalanishdir. Zero, tilga bo‘lgan munosabat — millatga bo‘lgan munosabatdir. Ona tilini qadrlagan inson o‘z tarixini, milliy qadriyatlarini va Vatanini qadrlaydi.

Ona tili — millatning ruhi, qalbi va or-nomusidir. Uni asrash, ardoqlash va kelajak avlodga mukammal holda yetkazish har birimizning sharafli vazifamizdir.

O. IBRAGIMOVA,
Chortoq tumani hokimining ma’naviyat va davlat tili masalalari bo‘yicha maslahatchisi.



ТАЙИНЛОВ

Қамбаров Фарходжон Собирович Чортоқ тумани ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари — туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Фарходжон Қамбаров Чортоқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. 2002 йилда Наманган муҳандислик педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1996 йилда «Сардор» фирмаси ҳисобчиси лавозимида бошлаган.

Кейинчалик Чортоқ туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси, Чортоқ туман ҳокимлиги молия бўлимининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими мактабгача таълим ва бошқа муассасаларда молиявий ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш сектори ҳисобчиси, Чортоқ туман ҳокимлиги молия бўлимининг бюджет бўлими бош иқтисодчиси, Чортоқ туман ҳокимлиги молия бўлими мудирининг ўринбосари — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи, Уйчи туман ҳокимлиги молия бўлими мудири ўринбосари — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи, Уйчи туман ҳокимлиги молия бўлимининг Давлат мақсадли дастурлари мониторинги масалалари бўйича мудир ўринбосари — шуъба мудири, Чортоқ тумани бўйича ғазначилик бўлинмаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритган.

Тайинловга қадар Уйчи тумани бўйича ғазначилик бўлинмаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди. Мазкур тайинлов Чортоқ тумани ҳокимининг тегишли қарори билан амалга оширилди.

ТАЙИНЛОВ



Абдулхамидов Исломжон Икромжон ўғли Чортоқ тумани ҳокимининг ўринбосари — инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Исломжон Абдулҳамидов 1994 йилда Чортоқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. 2016 йилда Тошкент давлат Иқтисодиёт университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2017 йилда Чортоқ тумани ҳокимлигининг иш юритувчи котиби лавозимида бошлаган. Кейинчалик туман инвестиция бўлими етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, Наманган вилоят Молия бош бошқармаси раҳбар котиби, Чортоқ тумани ҳокимлиги Молия бўлимининг бюджет ҳисоби ва ижро сектори бош иқтисодчиси, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш шуъба мутахассиси, «Боғ» МФЙ да ҳоким ёрдамчиси вазифаларида фаолият юритган.

Тайинловга қадар Чортоқ тумани Иқтисодиёт ва молия бўлимида Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, янги захира ва имкониятларни аниқлаш, экспорт потенциални фаоллаштириш, истеъмол бозорини мониторинг қилиш йўналишида бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётган эди.

Мазкур тайинлов Чортоқ тумани ҳокимининг тегишли қарори билан амалга оширилди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ — БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш — жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири. Зеро, банд ёш ўз келажагига ишонч билан қарайди, оиласи фаровонлиги ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда амалга оширилаётган «1 ой — 4 маҳалла» ташаббуси ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва амалий ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ташаббус доирасида ҳар бир ёшнинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашув асосида иш олиб борилмоқда. Банд бўлмаган ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида спорт, китобхонлик ва маънавий-маърифий тадбирларга кенг жалб этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Асосий мезон — бажарилган ишлар сони эмас, балки уларнинг аниқ натижасидир. Зеро, бир нафар ёшнинг иш билан таъминланиши бир оиланинг фаровонлигига, бир ёшнинг касб эгаллаши эса унинг келажагига қўйилган мустаҳкам пойдеворга айланади. Бизнинг мақсадимиз — ёшларни шунчаки рўйхатга олиш эмас, балки уларнинг ҳаётида ижобий ўзгариш ясаш, имкониятларини рўёбга чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир. Чунки ёшларга яратилган имконият — келажакка киритилган энг муҳим сармоядир.

Донёрбек УМУРЗАҚОВ,
«Хайрли» МФЙ ёшлар етакчиси.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ



Боғдорчиликда замонавий ёндашувларни кенг жорий этиш, мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Айниқса, эскирган боғларни янгилаб, юқори ҳосилли интенсив боғлар ташкил этиш орқали боғдорчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 9 июндаги «Саноат усулидаги интенсив мевали боғлар барпо этиш ва эскирган боғларни янгилашни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–108-сон Фармони ҳам ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, замонавий боғдорчиликни ривожлантириш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Чортоқ туманида жорий йилнинг ўзида 632 гектар майдонда интенсив мевали боғлар барпо этиш режалаштирилган. Бу эса нафақат мева етиштириш ҳажмини ошириш, балки маҳсулот сифатини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва туманнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Аҳамиятлиси, боғдорчиликда ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боғ қатор ораларига тўқсонбости экинлар экилиб, бир майдондан бир неча турдаги маҳсулот олиш имкониятидан фойдаланилмоқда.

Бу ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун қўшимча даромад манбаини ҳам яратмоқда. Айни пайтда тумандаги деҳқон ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилаётган сархил мевалар ички ва ташқи бозорларга етказиб берилмоқда.

Маҳмуджон МАМАТОВ,
туман ҳокимининг ўринбосари.

Chortoq haqiqati

MUASSISLAR:
Tuman hokimligi va “Chortoq haqiqati” gazetasi ijodiy jamoasi

Muharrir:
Bahodir TILLAYEV.

Gazeta Namangan viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2006-yil 26-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazilgan.
Guvohnoma: №08-0018
Nashr ko‘rsatkichi: 5033

Nashr uchun mas’ul:
Anvarjon ABDULLAMUTOV.

SAHIFALOVCHI:
Nargiza REJABBOYEVA.

Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta bir oyda
ikki marta chiqadi.

Tahririyat manzili:
Chortoq shahri, Sug‘diyona ko‘chasi, 39-uy.
Telefonlar: +99894-634-60-10
Indeks: - 161000 ISSN: 2181 - 0079

Adadi: 700
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 17:00. Topshirildi: 16:30

Gazeta “Zakovat” nashriyot uyi MCHJ bosmaxonasida A-3 formatda ofset usulida chop etildi. Bosmaxona manzili: 160300 Kosonsoy shahri, Chorbog‘ ko‘chasi, 17-uy. Buyurtma: